

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Андижон муҳандислик- иктисодиёт институти

Транспорт воситаларидан фойдаланиш
кафедраси

Т.О.АЛМАТАЕВ, Н.КАРИМХОДЖАЕВ

5А 521208-Автомобил сервиси магистратура мутахассислиги
талабалари учун «Автосервис корхоналарини куриш ва
лойихалаш асослари» фанидан курс ишни бажариш буйича
амалий машгулотлардан

УСЛУБИЙ КУРСАТМА

Андижон - 2005

Ушбу услубий курсатма 5А 521208-”Автомобил сервис” магистирлари учун мулжалланган бўлиб унда “Автосервис корхоналарини куриш ва лойихалаш асослари” фанидан курс лойихасини бажариш буйича амалий курсатмалар берилган.

Тузувчилар: т.ф.н., доцент Алматаев Тожибой Орзикулович
т.ф.н., доцент Каримходжаев Назиржон

Такризчилар: Ё.П.Назаркулов- , ТАЙИ «Автомобиллар техник эксплуатацияси» кафедраси доценти, т.ф.н., доцент
Косимов Ш. - ”Технологик машиналар ва жихозлар” кафедраси мудири, доцент, т.ф.н.

Андижон мухандислик-иктисодиёт институти ТВФ кафедрасининг «__»____200__йил «__» - сонли йигилишида муҳокама килинган ва чоп этишга тавсия этилган.

Андижон Мухандислик-иктисодиёт институти Мухандислик факултети кенгашида «__»____200__йил «__» - сонли йигилишида муҳокама килинган ва чоп этишга тавсия этилган.

Андижон Мухандислик-иктисодиёт институти илмий-услубий кенгашида «__»____200__йил «__» - сонли йигилишида муҳокама килинган ва чоп этишга тавсия этилган.

Мундарижа

Кириш	
1. Курс ишнинг хажми ва таркиби.....	
2. Курс ишинг тушунтириш хати булими.....	
3. Ишнинг чизма- график кисми.....	
4. Автосервис корхонасини технологик хисоблаш.....	
5. Корхона фаолиятини бошлаш ва кредит олиш буйича «Бизнес режа» тузиш.....	
6. Адабиётлар.....	
7. Иловалар.....	

Кириш

Давлатимиз рахбарияти ва шахсан президентимиз И.А.Каримов автомобилсозликни ривожлантириш ва транспортдан самарали фойдаланиш масалаларига катта эътибор бермокдалар.

1996 йилда Жанубий Кореянинг “DAEWOO” фирмаси билан ҳамкорликда Андижон вилоятининг Асака шаҳрида “Uz DAEWOO avto” Со кушма корхонасида автомобиллар ишлаб чиқара бошлаши Ўзбекистони дунёнинг бу соҳасидаги 28-мамлакати сифатида тан олинишини таъминлади. “Uz DAEWOO avto” Со ишга тушиши билан Ўзбекистон ички бозорни енгил автомобиль ва микроавтобуслар билан тулдирилибгина қолмай, Россия Федерацияси, МДХ ва бошқа давлатларга ҳам автомобиль экспорт қила бошлади. “Uz DAEWOO avto” Со ва унга алоқадор кушма корхоналарнинг барпо этилиши мамлакатимиз халқ хужалигининг автотранспортга бўлган эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, минглаб замонавий иш уринлар бунёд этилишига сабаб бўлди. Республика халқ хужалигининг бир меъёрга ишлаши учун яхши йулга қуйилган ички ва ташқи транспорт алоқаларига эга бўлиши керак.

И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI аср бусогасида хавфсизликка таҳдид ва барқарорлик шартлари, таракқиёт қафолатлари” асарида транспорт соҳасига муносабатида шундай дейди: — “Ўзбекистон республикаси қонунчилиқ асосининг транспорт муносабатларини тартибга солувчи қисмини умуман қабул этилган халқаро норма ва қоидаларига яқинлаштириш бўйича қаол иш олиб бормокдалар. Масалан, автомобилда юк ташиш борасида МДП гувоҳномасини қўллаган ҳолда халқаро юк ташиш тугрисидаги баённома қонвенцияси, халқаро юк ташиш шартномаси тугрисидаги қонвенция, йул белгилари ва сигналлари тугрисидаги қонвенция ва йул ҳаракати тугрисидаги қонвенция ратификация қилинди”

Мамлакатимиз автомобилсозлигининг жадал ривожланиши ва “Буюқ ипақ йули” нинг қайта тикланиши Республикамиз автотранспорти ривожининг асосини ташқил этиб, автотранспорт воситалари техник ҳолатини юқори даражада таъминлашда замонавий автосервис хизматлари ташқил этиш ва уларни амалга ошириш учун халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган автомобилларга техник хизмат қўрсатувчи қорхоналарни барпо этишни тақозо этади.

1. Курс ишнинг хажми ва таркиби.

Курс ишга топширик сифатида шаҳар ҳудудида жойлашган, автомагистрал бўйидаги жойлашган автомобилларга хизмат курсатувчи корхоналар, автосалон, диллерлик пункти, ватокемпинг, мотель ва уларда кулланиши мумкин бўлган жихозлар конструкцияси ёки кафедра томонидан тавсия этилган илмий йуналишдаги мавзу берилиши мумкин.

Агарда курс ишга топширик сифатида автосервис корхоналарида кулланиши мумкин бўлган жихозлар конструкцияси ёки кафедра томонидан тавсия этилган илмий йуналишдаги мавзу берилганда унинг хажми раҳбар томонидан белгиланади.

Курс ишни бажариш учун кафедра томонидан берилган топширик асос бўлиб хизмат килади, унда қуйидагилар келтирилган бўлади:

- лойиҳалаш учун дастлабки маълумотлар;
- лойиҳанинг чизма қисмининг таркиби ва хажми.

Курс ишни бажаришда талаба қуйидаги жараёнларга амал қилиши шарт:

- курс иш мавзусини раҳбар билан келишган ҳолда диссертация мавзусига мос ҳолда танлаш;
- курс иши учун раҳбаридан ёзма топширик (1-иловага қаранг) олиш;
- кафедра белгилаган муддатларда раҳбар ва кафедра мудирига малакавий ишнинг бажарилиши ҳақида ҳисобот бериб бориш;
- амалдаги стандартлар талабларига қатъий мувофиқ келган ҳолда қўлёзма тарзида расмийлаштирилган курс ишни ўз вақтида ҳимоя қилиш.

2. Курс ишинг тушунтириш хати бўлими.

Ишнинг тушунтириш хати 3 қисмдан иборат бўлади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

Биринчи қисм бўйича:

- ҳисоблаш учун бошланғич маълумотлар;
- автосервис(автосалон, автокемпинг ва бошқ.) корхонасида АВТОСЕРВИС ишлаб чиқариш дастурини ҳисоблаш;
- барча ишлар тури бўйича ишчилар сонини аниқлаш;
- ишчи, ёрдамчи ва қутиш автомобил постларини ҳисоблаш;
- ТХК ва ЖТ зона (минтақа) ва устахоналарининг майдонини ҳисоблаш;
- корхона майдонини ҳисоблаш.

Иккинчи қисм бўйича:

- автосервис корхонаси устахоналари ва постларини замонавий жихозлар билан таъминлаш (**интернет маълумотлари асосида**)

Учинчи қисм буйича:

- Корхонага бирор янги технология еки жихоз сотиб олиш учун банкдан кредит олиш буйича ҳужжатлар тупламини тайерлаш
- Лойихаланган корхонанинг бизнес режасини ишлаб чиқиш .

Хулосалар.

3.Ишнинг чизма- график қисми.

Ишнинг чизма-график қисми 2-4 А1 форматли (шаклли) варакада бажарилади (841 X 564мм) ва КХЯТ (ЕСКД) талабларига тула жавоб бериши шарт.

1. Корхонанинг ишлаб чиқариш биноси - 1 варақ (масштаб 1:200,1:100 ва 1:50)(қундаланг кесими билан).

2. Устахона ёки технологик зонага жихозлар танлаш - 1 варақ (масштаб 1:200, 1:100, 1:50 ва 1: 25) (қундаланг кесими билан).

3. Бизнес режа жадвали.

Чизма ва графиклар каламда А1 форматли ок ватманда керакли улчам ва ёзувлардан иборат булган холда бажарилиши шарт (ЕСКД талабларига тула жавоб берган холда).

Автосервис корхонасининг технологик ҳисоби.

АВТОСЕРВИСнинг тури ва қувватини асослаш.

Автосервисларда ҳам бошқа саноат ишлаб чиқариш корхоналари каби икки асосий курсаткич белгиланган: ишлаб чиқариш қуввати ва станция ҳажми.

АВТОСЕРВИС ишлаб чиқариш қуввати - бир йилда комплекс хизмат курсатилган автомобиллар сони билан аникланади. АВТОСЕРВИСларнинг ҳажми - бир вақтда автомобилларга ТХК, таъмирлаш, кутиш ва саклаш учун ажратилган автомобил жойлар билан ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда АВТОСЕРВИСнинг ишлаб чиқариш қуввати ва ҳажм курсаткичлари учун, бизнинг давлатимизда бир курсаткич қабул қилинган - автомобилларга ТХК ва ЖТ ишлари буйича автомобил ишчи пости.

Шаҳарда жойлашган АВТОСЕРВИС тури ва қувватини аниқлашда асосий омиллардан лойихаланилаётган станция атрофидаги автомобилларнинг сони ва хиллари ҳисобланади.

АВТОСЕРВИС (универсал ёки махсуслигини) билиш учун тахминий ТХК ва ЖТ автомобил ишчи постларини аниқлаш керак.

ТХ ва ЖТ нинг постлардаги йиллик меҳнат сарфи ҳар 1000 км юрилган йулга тугри келувчи меъёрий меҳнат сарфи оркали топилади:

$$T_T = N_{\phi} * L_{\text{й}} * t / 1000 \quad (T_T = N_{\phi 1} * L_{\text{й}1} * t_1 / 1000 + N_{\phi 2} * L_{\text{й}2} * t_2 / 1000 + \dots + N_{\phi n} * L_{\text{й}n} * t_n / 1000) \text{ ишчи соат};$$

бунда, $L_{\text{й}}$ - бир автомобилнинг йиллик уртача юрган йули, км
 N_{ϕ} - станциядан йил давомида фойдаланувчи автомобиллар сони;
 t - ТХ ва ЖТ нинг ҳар 1000 км юрилган йулга тугри келувчи меъёрий меҳнат сарфи, ишчи-соат.

Агар станцияда автомобиллар сотилиши, кафиллик техник хизмати ва ремонти кузда тутилса, у ҳолда умумий йиллик ТХ ва ремонт ишларининг ҳажми:

$$T_{\text{ум}} = T + T_{\text{сот}} + T_{\text{кфТХ}} + T_{\text{кфр}} \dots\dots$$

$$T_{\text{сот}} = N_{\text{сот}} * t_{\text{сот}}$$

$$T_{\text{кфТХ}} = N_{\text{сот}} * t_{\text{кфТХ}}$$

$$T_{\text{кфр}} = N_{\text{кфр}} * t_{\text{кфр}}$$

$N_{\text{сот}}$ - йиллик сотиладиган автомобиллар сони;

$N_{\text{кфр}}$ - кафиллик ремонтга кирувчи автомобиллар сони, ($N_{\text{сот}}$ -дан 10-15 % ҳисобида олинади).

$t_{\text{сот}}$, $t_{\text{кфТХ}}$ ва $t_{\text{кфр}}$ бир автомобилга сарф буладиган сотиш олди, кафиллик ТХ ва ремонт ишлари ҳажми.

Кабул килинган коидалар ва тажрибаларга кура $t_{\text{сот}}$ ва $t_{\text{кфр}}$ енгил, кичик классдаги автомобиллар учун 3.5, $t_{\text{кфТХ}}$ эса 2.0 ишчи соат микдорида белгиланади, юк автомобиллари ва автобуслар учун 3.5 ёки 4.0 ишчи соат микдорида белгиланади.

Йиллик ювиш йиғиштириш ишлари ҳажми йилда автомобилларни станцияга кирадиган сони $d = (3,5 - 5 \text{ марта})$ ва ишларни уртача ҳажми $t_{\text{юй}}$ билан белгиланади.

$$T_{\text{юй}} = N_{\phi} * d * t_{\text{юй}}$$

Ювиш-йиғиштириш ишларининг уртача ҳажми механизациялашган бўлса $t_{\text{юй}} = 0.1 - 0.25$, агар кулда шланга билан ювилса 0.5 ишчи соат кабул қилинади.

Ҳисобланган ремонт ишларининг умумий йиллик ҳажми бажариладиган жойларга қараб бўлинади. (1-жадвал)

1-жадвал

Автосервисларда ТХ ва ремонт ишларини участкаларга бўлиниши

№	Ишлар номи	Иш хажмини постлар сонига қараб бўлиниши %					Бажариш жойи			
		Постлар					постларда		устахонада	
		5та	6-10	11-15	16-25	25-50	%	и/с	%	и/с
1.	Диагностика	6	5	4	4	4	100		-	
2.	Тула ТХ	35	25	15	10	8	100		-	
3.	Мойлаш	5	5	3	2	2	100		-	
4.	Олдинги гилдиракларни созлаш	10	7	4	4	3	100		-	
5.	Тормозларни созлаш	10	5	3	3	3	100		-	
6.	Озуклантириш системасини ТХ ва ремонти, электротехника ишлари	7 ¹	6	5	4	4	75		25	
7.	Шиномонтаж ишлари	7	6	2	1	1	30		70	
8.	Автомобил агрегатлари ва узелларининг ремонти	20	20	15	12	10	45		55	
9.	Кузов ишлари (тунукасозлик, пайвандлаш, калайлаш)	-	10	25	30	35	75		25	
10.	Буёкчилик	-	10	20	25	25	100		-	
11.	Обой ва арматура ишлари	-	2	4	5	5	50		50	
12.	Ювиш-йигиштириш	-					100		-	
	Жами	100 фоиз								

Йул ёкасидаги АВТОСЕРВИС

Йулдаги АВТОСЕРВИС қуввати йулдан автомобилларни станцияга киришнинг тез-тез такрорланиши, йул ҳаракатининг жадаллиги ва станциялар жойлашиш оралигидаги масофага боғлиқдир.

Сутка давомида йулдан станцияга (ТХ, ЖТ, ёнилғи қуйиш, дам олиш, овкатланиш ва бошқалар қирадиган улушини автомобиллар сони:

$$N_C = U_X \cdot P / 100$$

бунда: U_X - йулдаги автомобил ҳаракатининг жадаллиги.

P - автомобилларнинг станцияга киришининг тез-тез такрорланиш эҳтимоли, йул ҳаракатининг жадаллигига боғлиқ (енгил автомобиллар

2...3%, юк ташиш ва автобуслар 0,4...0,5%, йулдаги автомобил харакатининг жадаллигига нисбатан).

ТХ ва ЖТ ишларига кирган автомобиллардан, автомобил турлари буйича куйидагича таксимланади:

енгил автомобиллар - 70%

юк автомобиллари - 25%

автобуслар - 5%

Йулдаги АВТОСЕРВИС учун тозалаш-ювиш ишларининг йиллик меҳнат сарфи куйидагича аникланади:

$$T_{\text{тjо}} = N_{\text{с}} * D_{\text{ик}} * t_{\text{ю.й.}} \quad (12)$$

Йул буйида жойлашган станцияларнинг йиллик иш хажми

$$T_{\text{йб}} = N_{\text{с}} * D_{\text{ик}} * t_{\text{ур}}$$

ифодаси билан ҳисобланади.

$N_{\text{с}}$ -станцияга сутка давомида кирадиган бир типдаги автомобиллар сони;

$D_{\text{ик}}$ -станциянинг йил давомида ишлаш кунлари (365 кун).

$t_{\text{ур}}$ - хар бир кирган автомобил учун сарфланадиган уртача иш хажми, ишчи соат.

Таҷрибалар асосида яратилган меъёрларга асосан енгил автомобиллар учун 3.6 , юк автомобиллари ва автобуслар учун 2.5 ишчи соат ҳисобга олинади.

Ёрдамчи ишлар хажми автомобиль ТХК ва ремонт килиш, ювиш-йигиштириш ишларининг йиллик хажмида 15-20 % ҳисобида олинади.

$$T_{\text{ёрд}} = (T_{\text{ум}} + T_{\text{юй}}) * K_{\text{ёрд}} / 100 = (T + T_{\text{сот}} + T_{\text{кфтх}} + T_{\text{кфр}} + T_{\text{юй}}) * K_{\text{ёрд}} / 100$$

$K_{\text{ёрд}}$ -ёрдамчи ишлар фоизи, 15-20 %.

Ёрдамчи ишлар хажми ($T_{\text{ёрд}}$) тахминан куйидагича таксимланади (2-жадвал).

№	Ишлар номи	Ишлар хажми% ҳисобида		
		Постлар сони		
		10 гача	10-25	25-50
1.	Уз-узиға хизмат ишлари($T_{\text{уз}}$) $K_{\text{уз}}$ қисми	70-80	60-70	40-50
2.	Транспорт ишлари	8-10	10-12	8-10
3.	Автомобилларни силжитиш	--	-	14-26
4.	Моддий-техника материалларини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш	8-10	8-10	8-10
5.	Ҳоналар ва майдонларни тозалаш	10-15	10-15	14-20
	Ҳами	100	100	100

Корхонанинг узиға узи хизмат курсатиш ишлари йиллик хажми

$T_{\text{уз}}$ - ёрдамчи ишлар йиллик хажмидан фоиз ҳисобида топилади.

$$T_{уз} = [(T_{ум} + T_{юй}) * K_{ёрд} * K_{уз}] / 10000$$

АВТОСЕРВИС ишчилари сонини аниклаш.

Техник хизмат ва жорий ремонт ишларини бажарувчи ишчилар сони технологик ва штатдаги (руйхатдаги) сонларга булинади. Технологик ишчилар сони P_t (кунда ишга чикувчилар сони) сутка давомидаги ишларни, штатдаги ишчилар $P_{шт}$ эса йиллик ишлар хажмини бажарихни таъминлайди.

Технологик ишлар сони

$$P_t = T_{й} / \Phi_t$$

$T_{й}$ -техник хизмат ва ремонт ишларининг зона ёки участка буйича йиллик хажми, ишчи соат ҳисобида.

Φ_t -технологик ишчининг бир йиллик бир смена ишлагандаги иш вақти фонди, соат ҳисобида.

Φ_t -сменанинг давоми $T_{см}$ ва бир йиллик иш кунлари сони Д.й.к. билан аникланади, яъни 5 иш кунлик ҳафта учун.

Лойихалаш тажрибасида Φ_t нормал иш шароитли касблар учун 2070 ва зарарли шароитли касблар учун 1830 соат қабул қилинади.

Штатдаги (руйхатдаги) ишчилар сонини эса

$$P_{шт} = T_{й} / \Phi_{шт}$$

бунда, $\Phi_{шт}$ -штатдаги ишчининг йиллик иш вақти фонди, соат ҳисобида.

Лойихаларда штатдаги ишчиларнинг йиллик иш вақти фонди мос равишда 1840 ва 1620 соат олиниши мумкин.

Ишлаб чиқариш, ёрдамчи постлар ва автомобиль жойларини аниклаш.

1. Ишчи постлар.

Ишлаб чиқариш постлари ишчи ва ёрдамчи постларга булинади. Ишчи постларида бевосита техник хизмат ёки ремонт ишлари бажарилади, ёрдамчи постларда эса автомобилларни қабул қилиб олиш, назорат қилиш, буялгандан сунг қуритиш ишлари бажарилади.

Ишчи постлари.

$$X = (T_n * \varphi) / \Phi_n * P_{ур}$$

ифодаси билан ҳисобланади, бунда,

T_n - постларда бажариладиган ишларнинг йиллик хажми, одам.соат.

φ - автомобилларни станцияга нотекис келишини ҳисобга олувчи коэффициент.

Φ_n - постнинг йиллик иш вақти фонди, соат.

$P_{ур}$ - постда бир вақтда ишловчи ишчиларни уртача сони:

Постнинг йиллик иш вакти фонди.

$\Phi = D_{ик} * T_{см} * C * \eta$, соат, бунда,

$D_{ик}$ - станциянинг йиллик иш кунлари;

$T_{см}$ - смена давоми, соат;

C - сменалар сони;

η - постнинг иш вактида фойдаланиш коэффициенти (0.9)

ТХ ва ремонт ишларида постда бир вақтда ишловчи ишчиларни уртача сони.

$P_{ур}$ 1,5-2,5 кузов ва бўёклаш ишларида 1,0-1,5 киши ҳисобида олинади.

Шаҳар станцияларининг йиллик иш кунлари 350 кун атрофида, йул бўйида жойлашган станциялар учун эса 365 кун олинади. Смена сони камида 1,5 ҳисобида олинади.

Агар ювиш-ишлари механизациялашган бўлса ишчи постлар сони

$X_{Ю} = N_c * \varphi / T_c * A_{ю} * \eta$

бунда,

N_c -сутка давомида станцияга ювиш учун кирган автомобиллар сони,

φ -автомобилларни станцияга нотекис киришини ҳисобга олувчи коэффициент 10 постгача станциялар учун

$\varphi = 1,3-1,5$, 11-35 гача постларга

1,2-1,3, 35 дан куп постларга 1,1-1,2

T_c -ювиш участкасининг сутка давомида ишлаш соати

$T_c = T_{см} * C$

$A_{ю}$ - ювиш машинасининг иш унуми, паспортига қараб 30-60 автомобиль (соат) олинади .

η -пост вақтидан фойдаланиш коэффициенти (0,90)

Сутка давомида шаҳар станциясига қирувчи автомобиллар сони:

$N_c = N_{\phi} * d / D_{ик}$ бунда,

N_{ϕ} -станциядан йил давомида фойдаланувчи автомобиллар сони;

d -бир автомобилни йил давомида станцияга кириш сони (3,5-5)

Ҳисобланган постлардан ташқари станцияларда, ташқарида уз-узига хизмат қилувчи постлар ҳам кузда тутилиши мумкин.

2.Ёрдамчи постлар.

Қабул қилиш постлари

$X_{кк} = (N_{\phi} * d * \varphi) / D_{ик} * T_c * A_{у}$

бунда, юқоридаги маълумотлардан ташқари

T_c -қабул қилиш участкасини сутка давомида ишлаш вақти давоми, соат.

$A_{у}$ -қабул қилиш постини иш унуми (3-4 автомобил/соат)

Автомобилларни эгасига топшириш учун назорат постлари қабул қилиш постлари сонига тенг деб қабул қилиш мумкин. Автомобилларни ювгандан сунг қуриштириш постлари шу постларни иш унумига боғлиқ бўлиб, уни механизациялашган ювиш постларини унумига тенг деб қабул қилиш мумкин.

Буёқдан чиққан автомобилларни қуриштириш постлари сони ҳам шу участкадаги жихозларни иш унумига ва ишлар ҳажмига боғлиқ бўлиб қуйидагича аниқланади:

- алоҳида бўяш ва алоҳида қуриштириш камераларининг иш унуми 10-12 автомобиль-смена, бирлаштирилган бўяш-қуриштириш камераларини эса 5-6 автомобиль-смена.

Ёрдамчи постларни умумий сони одатдаги нормативлар бўйича бир ишчи постига 0,25-0,50 та тугри келади.

Қутиш автомобиль-жойлари ТХ ва ремонт зоналарида бир ишчи постига 0,3-0,5 жой ҳисобига олинади.

Автомобиллар сақлаш жойлари: ТХ ва ремонтга қабул қилинган ва тайёр, эгасига топширишни қутаётган автомобилларни сақлаш учун авто-жойлар сони бир ишчи постига 4-5 та ҳисобида қабул қилинади. Агар станция автомобиллар билан савдо қилиш хизматини ҳам бажарса унда очик майдонда сотишга мулжалланган автомобиллар учун жой :

$$X_c = N_{\text{cot}} * D_3 / D_{\text{ик}}$$

N_{cot} - йил давомида сотиладиган автомобиллар сони;

D_3 - 15-20 кун - захира (запас) кунлар сони;

$D_{\text{ик}}$ -автодуқонни йиллик иш кунлари.

Йул бўйида жойлашган станциялар учун автомобилларни сақлаш жойлари бир ишчи постига 1-2 авто-жой ҳисобида қабул қилиш мумкин. Станция олдида, очик майдонда миқозлар ва ходимлар автомобилларни сақлаш учун ҳар 10 ишчи постига 20-25 авто-жой қабул қилинади.

Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналар майдонларини ҳисоблаш.

1.1. Ишлаб чиқариш хоналари майдонларини ҳисоблаш.

ТХ ва ремонт зоналарини майдонларини ҳисоблаш лойиҳалашини босқичларига қараб икки хил бўлиши мумкин. Солиштирма майдонга қараб, агар ҳисоб техник-иктисодий асослаш босқичида, ёки биноларни ҳажмий-режалаштиришни асослаш, шунингдек, дастлабки ҳисоблашда, қизма-график усулда-зоналарни режасини ишлаб чиқиш босқичида. Биринчи усул бўйича ТХ ва ремонт зоналарининг майдони :

$$F_3 = f_3 * X_{\text{п}} * K_{\text{ж}}$$

бунда,

f_3 - бир автомобиль эгаллаган жой майдон, m^2 ;

$X_{п}$ - постлар сони;

$K_{ж}$ - постлар жойлашиши жипслиги коэффиценти, бу автомобиллар эгаллаган жойлар, йулкалар, йулар, ишчи уринлари майдонлари йигиндиси автомобиллар-ни пландаги проекцияси (акси) майдонига нисбатини курсатади.

$K_{ж}$ киймати автомобиллар габаритига ва постларни жойлаштириш схемасига боғлиқ булиб бир томонлама жойлашган постлар учун $K_{ж}$ -6-7, икки томонлама жойлашганлари учун 4-5 хисобида олинади. $K_{ж}$ нинг кичик киймати катта габаритли автомобиллар учун ҳамда постлар сони 10 тадан ошмаган ҳолда қабул қилинади.

Юқорида курсатиб утилганидек ёрдамчи постлар ва кутиш жойлари майдонлари ҳисобланади.

F_3 ни график усулда топиш учун махсус адабиётларга мурожаат этилсин.

Участка (устахона) майдонларини тахминий ҳисоблаш учун энг куп ишчилар ишлаётган сменадаги ишчилар билан ҳам аниқлаш мумкин (3-жадвал

3-жадвал

Техник хизмат ва ремонт устахоналарининг ишчилар сонига қараб майдони, m^2

№	Устахоналар	Майдони, m^2				
		Ишчилар сони				
		1.	2.	3.	4.	5.
1.	Агрегатлар ремонт	36	45	54	63	126
2.	Чилангар-механик	36	45	54	63	81
3.	Электромеханик	14	18	27	36	54
4.	Ёнилги билан таъминлаш асбоблари ремонт	14	18	27	36	-
5.	Аккумулятор (зарядкаси билан)	36	34	-	-	-
6.	Шиномонтаж	18	36	45	54	84
7.	Вулканизация	18	27	36	-	-
8.	Туникасозлик	27	36	45	72	-
9.	Пайвандлаш	18	27	36	-	-
10.	Уриндиклар ремонт (обой)	27	36	54	-	-

1.2.Омборлар майдонини ҳисоблаш.

Шахар станциялари учун омборлар майдони хар 1000 та хизматдан фойдаланувчи автомобилларга берилган солиштирма майдон хисоби буйича аникланади:

(ОНТП-АТП-СТО-80) эхтиёт кисмлари-32 м²

- * агрегатлар-12,
- * материаллар-6,
- * лак ва буёклар, химикатлар-4,
- * мойлар-6.

Автомобиллардан олинган кисмлар, анжомларни саклаш учун бир ишчи постига 1,6 м² майдон ажратилади.

Майдонда эхтиёт кисмлар ва материаллар билан савдо килувчи дукон омбори учун эхтиёт кисмлар омборидан 10 фоиз микдор жой ажратилади. Ёул станциялари эхтиёт кисмлари омбори учун майдон 5-7 м² бир ишчи постига хисобида белгиланади.

1.3. Ёрдамчи хоналар майдонини аниклаш.

Бундай хоналарга маъмурий-маиший, савдо дуконлари ва техник вазифадаги: компрессор насос, трансформатор, венткамера типдаги жойлар киради.

Маъмурий-маиший хоналар таркиби станциянинг кувватига боғлиқдир. Кичик ва урта кувватли шаҳар станцияларида идора, станция бошлиғи учун хона, миждозлар хонаси, буфет ёки чойхона кабилар етарлидир. Ёирик станцияларда, курсатилганлардан ташкари, техник бошлик ва техник хизмат ходимлари учун хоналар, диспетчер хонаси, кафе, техник консультация хонаси, автосалон булиши зарур.

Ёул станциялари учун кушимча ошхона ёки ресторан, дам олиш жойи-мехмонхона ҳам булиши мумкин.

Маъмурий-маиший хоналар махсус архитектура лойихаси булганлиги учун СНИП П-92-76 “Саноат корхоналари ёрдамчи бинолари ва хоналари” талабига жавоб бериши керак.

Мижозлар хонаси майдони шаҳар станциялари учун хар бир ишчи постига:

- 15 постгача 8-9 м²
- 16-25 постгача 7-8 м²
- 25 дан куп постлар учун 6-7 м² хисобида олинади.

Техник хоналар майдони махсус нормативлар, улардаги технологик жараёнлар схемаси ва жихозлар сони ва габаритига караб топилади.

Эхтиёт кисмлар ва автоанжомлар дукони майдони хар бир 1000 хизматдан фойдаланувчи автомобилларга 20-30 м² олинishi мумкин.

Ёул станциялари учун мижозлар хонаси бир постга 6-8 м² олинади.

Савдо дуконларида эхтиёт кисмлар ва автоматериаллар билан савдо килувчи хона ва сотиладиган автомобилларни намоиш килувчи хона ва сотиладиган автомобилларни намоиш килувчиси махсус зал-автосалон

булиши мумкин. Савдо хонаси хар бир 1000 та хизматдан фойдаланувчи автомобиллар учун.

Кичик станцияларда 40-50 м²

Урта станцияларда 35-40 м²

Йирик станцияларда 25-35 м² хисобида олинади.

АВТОСЕРВИС Корхоналарини технологик режалаштириш.

Ишлаб чикариш биносини жойлаштириш режасини станциянинг функционал тизимига биноан тузиш керак, яъни автомобилларни ишлаб чикариш минтака ва устахоналарига кириш кетма-кетлиги, ТХ ва ЖТ минтакаси ва устахоналарининг жойлаштириш режаси курилиш меъёрлари ва коидалари талаблари асосида бажарилади.

Станция биноларининг таркибига автомобилларни кабул килиш ва топшириш булими, ишлаб чикариш, омборхоналар, маъмурий ва маиший бинолар, миждозлар хонаси, автомобиль ва эхтиёт кисмлар сотиш дукони, буфет ёки кахвахоналар киради. Станциянинг ишлаб чикариш биносини куришда темир бетон конструкциядан ташкари метал конструкцияни модулардан фойдаланилади.

Модулнинг юк кутарувчи элементи булиб 4та устун, улар орасидаги масофа 18X18 м, 24 X 24 м, 30 X 30 м ва 36 X 36 м булиши мумкин. Ишлаб чикариш биносининг асосий баландлиги 4,8 м килиб олинади. Агарда АВТОСЕРВИС икки бинода жойлаштирилса, улардан бирида маъмурий, савдо, маиший ва миждозлар учун хоналар, иккинчисига ишлаб чикариш вазифасини бажарадиган биноларни жойлаштириш тавсия этилади.

АВТОСЕРВИС бир бинода (хонада, зонада) ТХ ва ЖТ постлари билан бирга мотор, агрегат, электротехник ва ёкилги тизим асбоблари устахоналарини жойлаштириш мумкин. Тозалаш-ювиш ишларининг постлари ва оким чизиклари алохида бинода жойлаштирилади.

Буяш устахонаси (станциянинг ишчи постлари 10дан ортик булса) икки онада жойлашиши керак, биринчи хона буяш ишлари, иккинчи хонада буёкларни тайёрлаш ишлари бажарилади. Автомобилларни кабул килиш ва тозалаш булимини шундай жойлаштириш керакки, бунда харакатсиз ТХ ва ЖТ минтакаси ва устахоналарига бориши, ҳамда чикиб кета олиши керак.

Йулдаги станциялар учун асосан боши берк универсал постлар кабул килинади.

АВТОСЕРВИСда ТХ ва ЖТ минтакаси асосий хисобланади, шунинг учун ёрдамчи ишлаб чикариш устахоналари унинг атрофида ёки якинида жойлашиши керак. Миждозлар хонасини жойлаштириш режаси тузилаётганда куйидагилар эътиборга олиниши керак:

- диспетчер хонаси, автомобиллар қабул қилиш ва топшириши бўлимлари яқинида диагностика минтақаси, ҳамда буюртма наряди ва миқдор билан ҳисоб-китоб қилинадиган идора ва касса жойлаштириш керак.

Устахоналарини режалаштириш ечимини ишлаб чиқиш бажариладиган ишлар технологиясига, ҳамда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, қурилиш меъёри ва қоидаларига асосланиб тузилади.

Устахоналарнинг технологик режалаштириш-бу технологик жиҳозларни, ишлаб чиқаришда қулланиладиган асбоб-ускуналарни, қутариш элтиш ва бошқа жиҳозларни жойлаштириш режасидир .

Бундан ташқари устахона режасида ишчининг иш жойи қурсатилади, эшик ва деразаларнинг улчами, ҳамда устахонанинг режадаги улчамлари қурсатилади.

Устахонада жиҳозлар устахонада бажариладиган ишлар технологик қетма-қетлигига асосланиб жойлаштирилади.

БИЗНЕС РЕЖА

ТУЗИШ БУЙИЧА

Н А М У Н А

	«ТАСДИКЛАЙМАН»
	«ХОН-01» ФИРМАСИ ДИРЕКТОРИИ
	«_____» _____ 2004 йил

**АВТОСЕРВИС
(АВТОМОБИЛЛАРГА ЕКИЛГИ КУЙИШ ШАХОБЧАСИ
МИСОЛИДА) ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАШ БУЙИЧА**

БИЗНЕС РЕЖА

АНДИЖОН – 2004 ЙИЛ

БИЗНЕС РЕЖА

Бизнес режанинг ахамияти, зарурлиги ва унинг назарий асослари.

Бизнес режа нима?

Бизнес режа - кенг, ҳар томонлама аниқ тизимга туширилган ва чуқур уйлаб тайёрланган ҳужжат бўлиб, у фирмани қай мақсадда ҳаракат қилаётганлиги, қўзланган мақсадга қайси йўллар билан эришиш ва қўзланган мақсадга эришгандан сўнг натижа қандай бўлади деган саволларга жавоб топилади. Бизнес режа корхона (фирма)нинг стратегик истикболларини белгилаб берадиган асосий ҳужжат ҳисобланади ва у уни 3-5 йилга тузишни тавсия этилади. Бизнес режанинг биринчи ва иккинчи йилларига курсаткичларни (топшириқларни) кварталларга тахсимланган ҳолда берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва фақат учинчи йилдан бошлаб йиллик курсаткич (топшириқ)лар билан чегараланиш мумкин.

Бизнес режа қуйидаги асосий масаларани ҳал этади:

- тадбиркорларга корхона (фирма)лар стратегиясини ишлаб чиқиш учун асос бўлибгина қолмай, уни муваффақиятли амалга оширишга қўлдош ҳам беради;

- бўзор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, тартибга солиш ва бажарилишини назорат қилишнинг асосий қўлдош бўлиб хизмат қилади;

- тадбиркорлик фаолияти юзасидан банклар, инвесторлар ва қарз берувчиларга тегишли маълумотлар олишга имкон беради.

Бизнес режа тузиб чиқишнинг иккита асосий сабаби мавжуд:

- ташқаридаги сармоядорларни сизнинг бизнесингизни мақсадга мувофиқлиги ҳақида ёки ссуда беришга ишонч ҳосил қилиш;

- қўзланган мақсадни сақлаб қолишга йўл қўйиб бериш, тўғридан тўғри қўзланган ҳолатларда танланган мақсаддан воз кечмасликни таъминлаш.

Бизнес режа у бошқарувчига танглик ҳолатларини тўғри баҳолаш имконини беради ва ундан олиб чиқиб кетиш йўлларини курсатади. Бу ўз навбатида бошқарув самарадорлигини ортиришни ҳаракат қилдирилади. Қўшимча маълумот қилиб қўйиш ва маълум тажрибага эга бўлиш билан мақсад ва вазифа мосланиб олинади.

Бизнес режанинг бош мақсади-фирманинг қўзланган мақсадга эришини, режа-иқтисод бўлими ходимларига ва сармоядорларга танланган йўлнинг мақсадга мувофиқлигини курсатиб беришдир.

Бундан ташқари бизнес режа тадбиркорларнинг қуйидаги саволарига жавоб ҳам беради:

- бизнеснинг жорий ҳолати (биз қаерда турибмиз),

- қўзланган мақсад (Қайси томонга ҳаракат қилмоқдамиз),

- ёқ қўлай йўл (мақсадга қандай эришамиз).

Хулоса килиб шуни айтишимиз мумкинки, бизнес режа тадбиркорларнинг иш куроли булиб, ривожланаётган кичик-урта бизнес, фирмалар фаолиятида катта ахамиятга эга. Бизнес режа бизнесни баҳолаш бош ролини уйнайди. Бу ерда биз бизнесни таҳлил этишимиз лозим.

Бизнес таҳлил -бу корхоналарда самарали режа ишлаб чиқишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланиб, уларнинг ташки ва ички муҳит ҳолатлари ҳақида тула маълумот беради. У ташкилотнинг ички ва ташки (1-жадвал) талабларига мувофиқлигини аниқ маълумотлар асосида баҳолайди.

1-жадвал

Бизнесга таъсир этувчи муҳитлар таркиби

Ташки муҳит	Ички муҳит
1. Махсулот ва тармок ривожланиши истикболлари	1. Маркетинг
2. Ракобат ҳолати	2. Молия
3. Махсулот истеъмолчилари	3. Ишлаб чиқариш фаолияти
4. Сотиш фаолияти	4. Инсон омили (одам манбалари)
